5. Орлова О.С. Нарушения голоса у детей. Астрель. М:. 2005.

РЕЗЮМЕ. Мақалада барлық тәрийипленген усылларды қолланыў вокал көнликпе ҳәм уқыплылықларды қәлиплестириў, музыкалық уқыплылықларды, қосықшылық ҳаўаз пайда етиў тараўындағы билимлерди раўажландырыўдың зәрүр шәртли тәреплери айтылады.

РЕЗЮМЕ. В статье описываются необходимые условия применения всех описанных методов для формирования вокальных навыков и умений, развития музыкальных навыков и знаний в области вокального звукообразования.

SUMMARY. The article describes the necessary conditions for applying all the described methods for the formation of vocal skills and abilities, the development of musical skills and knowledge in the field of vocal sound production.

МУСИҚАЛИ ДРАМА СПЕКТАКЛЛАРИДА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Баходир Назаров – *доценти в.в.б.*
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Таянч сўзлар: театр, кино, спектакль, режиссор, образ, характер, жанр, труппа.
Ключевие слова: театр, кино, спектакль, режиссер, образ, персонаж, жанр, труппа.
Key words: theater, cinema, performance, director, image, character, genre, troupe.

Ўзбек мусиқа санъатида ҳам, адабиёт ва тасвирий санъат соҳаларида бўлгани каби “мусиқали драма”, “мусиқали комедия”, “оперетта”, “опера”, “балет”, “симфония”, “романс” каби мусиқа атама турлари ижобий ўзлаштириб олинган. Мазкур соҳаларнинг деярли ҳар бирида миллий руҳ билан суғорилган ва айни чоғда умуминсоний қадриятлар қаторидан ўрин олишга қодир бўлган асарлар яратилган ва улар ота-боболаримиздан мерос бўлиб асрлар оша келаётган анъанавий мусиқа бойликларимиз билан бир қаторда муштарак ўзбек мусиқа маданиятимиз мажмуида мусиқали драма ва мусиқали комедия жанрларининг ўзига яраша ўрни ва салоҳияти мавжуд.

Маълумки, 17-асрда Италияда опера санъати юзага келди. Мусиқага, қўшиқ, дуэт ва арияларга асосланган, мусиқасевар томошабин учун мўлжалланган театр санъати ҳам ўзида бир неча санъат турларининг хусусиятларини, ифода воситаларини акс эттирган синтез санъат тури бўлиб, қадимдан кўча томошалари замирида шаклланиб, турли ёшдаги томошабинлар учун хизмат қиладиган, қўшиқсевар, мусиқасевар томошабинларга намойиш этиладиган саъат турига айланиб қолди. Бугунги ривожланган технологиялар асрида мусиқали театр томошабинларини ўзига хос талаблари ва қонуниятларга ишонтириш учун ҳам санъат турларини барча компонентларидан ўз ўрнида оқилона фойдаланиш зарур талаблардан ҳисобланади. Гарчи барча унсурларнинг спектаклда ўзига хос ўрни бўлса-да, улар орасида энг муҳимлари борки, уларга қўйиладиган талаблар бошқаларига нисбатан кучлироқ ва масъулиятлироқ ҳисобланади. Хусусан, театрда энг муҳим компонент драматургия ҳисобланади.

Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов шундай дейди: - “Драматург билан бастакорларнинг ҳамжиҳатлиги ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Бастакор Тўхтасин Жалилов билан Собир Абдулла “Тохир ва Зуҳра”, “Алпомиш” мусиқали драмалари устида иш олиб борганлари ҳали ҳануз ёдимда. Барча ижодкорлар Собир Абдулланинг боғида тўпланишар, домла матнни ёзиб турсалар, Тўхтасин ака куйини басталаб ўша ернинг ўзида ижрочиларга айттириб кўрардилар. Ҳозир драматург ўзича ишлайди, бастакор ўзича. Натижада, куй ва сўз бир-бирига сингиб, уйғунлашиб кетмайди”. [1.18]

“Ўзбек мусиқали драмасининг ғарб мусиқали театри асарларидан фарқли, ўзига хос томонлари нимада? Фикримизча, энг муҳим ўзига хослик ўзбек мусиқали драмаси асосида либретто эмас, тўлақонли пьеса ётишидир. Ўзбек мусиқали театрида драматургия ҳам, мусиқа ҳам тенг ҳуқуқли асосларга эга. Яна бунинг устига ўзбек мусиқали театри ҳам сюжет, ҳам мусиқий жиҳатлари билан чуқур миллий асарлар билан алоҳида ажралиб туради. “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Алпомиш”, “Равшан ва Зулҳумор”, “Ошиқ

Ғариб ва Шохсанам”, “Гул ва Наврўз” ва бошқа саҳна асарлари фикримизнинг далилидир.

Мусиқали театр ёзма драматургиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихига назар ташласак, озарбайжон драматургларидан Ф.Охундов, У.Ҳожибеков, кейинроқ ўзбек мусиқали театри асосчилари бўлмиш Ҳ.Зафарий, Хуршид, З.Фатхуллин, К.Яшин каби муаллифларининг мусиқали театр учун ёзган махсус асарларини учратишимиз мумкин. Эътибор берсак, XX асрнинг бошига келиб, профессионал мусиқали театри ўзининг шаклланиш босқичига кирди. Қисқа вақт ичида мусиқали театр драматургияси асосида саҳналаштирилган спектакллар савияси юқори даражага кўтарилди, томошавийлиги ва машҳурлиги ҳавас қиларли даражага етди.

Ўзбек мусиқали драмасининг юзага келиши ва шаклланишида забардаст намояндаларимиз жонбозлик кўрсатдилар. Улар орасида М.Беҳбудий, А.Фитрат, А.Авлоний, Ҳ.Ниёзий, М.Қори Ёқубов, М.Уйғур, Ғ.Зафарий, Ш.Хуршид, Чўлпон, Т.Жалилов, Тамара Хоним, Н.Йўлдошхўжаева, Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ҳожи Сиддиқ, Й.Ражабий, М.Қориева, Лутфихоним Саримсоқова, Толибжон Содиқов, М.Тожизодалар каби номлар бор. Шунингдек, бошқа миллат вакилларидан В.Успенский, А.Козловский, Г.Мушел, Р.Глиэр, С.Василенколар ҳам самарали ҳисса қўшдилар.

“Мусиқали спектаклда актёрлик ижроси ашулага қўшимча эмас. Бу актёрнинг саҳнада образда яшаш шакли. Бунда куйлаш, берилган хатти-ҳаракатнинг жонли оқимига айланади”. [2.] “Муқимий” номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида намойиш этилаётган асарлар инсонлар кўнглига эзгулик уруғини сочиш, уларни огоҳликка чақириш ва маънавий тарбиялаш мавзуларида саҳналаштирилмоқда. Театр фаолиятидаги ютуқлар, айниқса, мустақиллик йилларидан кейин яратилган кўплаб асарлар ўзининг ғоявий жиҳатдан янгилиги, мавзуларнинг долзарблиги ва ижродаги табиийлиги билан янада қимматлидир.

Театрда ҳар гал томошабинларга янги асар намойиш этилар экан, унинг ҳар томонлама мукаммал бўлишига аҳамият қаратилади. Айниқса, яратилажак спектаклнинг мавзуси, унда илгари сурилган ғоя, жанр ва шаклига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам мазкур даргоҳда саҳналаштирилаётган асарларнинг аксарият қисми ҳақиқатда ҳам янгича ёндашув ва ғоят долзарблиги билан қимматлидир. Драматург яратган асардаги воқеалар профессионал актёрлар ижросида томошабинлар қалбига кириб боради. Бундан ташқари, спектаклнинг томошабоп ва юқори таъсир кучига эга бўлишида бастакорларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Шунингдек, унинг ҳар бир кўриниш, воқеалар ривожи, муҳит билан ҳамоҳанг тарзда қаҳрамон кечмишини ҳам сўзсиз баён эта олувчи мусиқаларни ўз ўрнида қўллай билганликлари спектаклнинг таъсир доирасини тобора кенгайтиргани сир эмас.

Спектаклнинг етук бўлиши бастакорларнинг бой тажрибаси, ария, дуэт ва хорларда яққол кўзга ташланади. Уларнинг барчаси воқеалар, муҳит ва қаҳрамонлар ҳолатига шу даражада усталик билан танланадики, спектаклнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Албатта, уларнинг юксак эътирофга эга бўлишида мусиқаларга мос тарзда қаҳрамон дарду алами, қувоч ва шодлиги, хуллас, ички кечинмаларини таъсирчан сўзлар билан халқона тилда қоғозга туширган шоирларнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Айнан мана шу муваффақият, шундай гўзал ижодий асарни томоша қила туриб, театрларга, айниқса, мусиқали театрларга профессионал шоирларни жалб этиш керакдир деган фикр туғилади. Чунки айнан улар билан ҳамкорликда ишлаш спектаклнинг бадиий яхлитлигини таъминлаш баробарида унинг таъсирчанлиги ва ҳаётийлигини ҳам юксалтиришига ижодий жамоа бирлигининг маҳсули сифатида хизмат қилади. “Мусиқачилар, ашулачилар, раққосалар – бахтли одамлар, чунки уларда темпоритм муаммоси олдиндан ҳал қилинган. Мусиқа бизга туйғуларни билдилари, лекин актёр шу туғуларни хатти-ҳаракатларга кўчира билиш керак… Мусиқа бизга туйғулар мантиғини очиб беради, унинг ёрдамида хатти-ҳаракат мантиғи топилади ва мана шу хатти-ҳаракатларни бажара бориб, биз ижод пайтида, мусиқа берган туйғуларга қайтамиз” [3.27.] – дейди, К.С.Станиславский.

Театрнинг бутун тарихи давомида замонавий мавзуни жанр ва томошабин эстетик эҳтиёжига мос-томошавий, айниқса мусиқали омма дидига ўтирадиган, шу жумладан жанрнинг ҳамма талаблари-яхлит мусиқий драматургиясидан ташқари ария, дуэт, хор, рақс сингари таркибий қисмларни ўзида жам этган тарзда яратилган бўлиши доимо долзарб бўлиб қолди. Бу соҳада илк ва самарали ютуқ “Нурхон” эди. Бундан кейин

шунга яқин натижага “Олтин кўл” ва “Ватан ишқи” спектакллари мисолида эришилди.

Йилдан-йилга театр репертуари шакл, ғоя ва жанр жиҳатидан ранг-баранг спектакллар билан бойиб бориш асносида саҳнада янги, ёш иқтидорли ижрочилар ҳам ўзларини профессионал санъаткорлар билан ҳамкорликдаги ижроларини намойиш этмоқдалар. Спектакларнинг барчаси ижро маҳоратидаги янгиликлар, биринчи планга олиб чиқилган мавзу ва унинг янгича талқини билан бошқалардан фарқ қилар экан, томошабин ҳамда театр ўртасидаги узилмас риштани тобора мустаҳкамланишига ҳам замин яратмоқда. Бунга эса театр жамоасидаги ҳар бир ижодкорнинг тинимсиз изланишлари ва меҳнатлари сабаб бўлмоқда. Томошабинлар ҳукмига ҳавола этилаётган ҳар бир асар бадиий юксаклиги ва ижровий мукаммаллиги билан янада қимматлидир.

Иш бор жойда хато бор деб бежизга айтишмаган. Чиндан ҳам ҳар қандай мукаммаллик дастлаб йўл қўйилган хатолар натижасида равнақ топади. Театрда эса спектакллар қайта ва қайта намойиш этилар экан, уларни албатта, тўғрилаб кетишнинг иложи бор. Шуни инобатга олган ҳолда актёрлар масаланинг бу томонига жиддий эътибор қаратишларига ишонамиз. Уларнинг хилма-хил ижодий ҳаётларини таҳлил қилиш ва юқори савия ила жонланган бошқа давр ва халқлар адабиётига оид асарлари борасида эса кейинги бобларимизда батафсил тўхталамиз.

Яна шуниси ҳам борки, бадиий асарнинг мавзуси биттагина бўлмайди. Ҳар бир образнинг, ҳар бир кўриниш ёки парданинг ўз мавзуси бўлади. Бу ўринда биз бош мавзуни аниқлаб олиш ҳақида сўз юритмоқдамиз. Бош мавзуни аниқламай туриб, ғояни аниқлаб олиш мумкин эмас. Гоҳида режиссор асосий мавзуни аниқлаб олмагани сабабли спектакл муваффақиятга эришолмайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мавзуни аниқлаб олиш спектакл бадиий яхлитлигининг яна бир гаровидир.

Ғоя – пьесада муаллиф нима демоқчи бўлганини кўрсатиб берувчи асосий фикрдир. Ғоя спектаклда шундай ёрқин бўй кўрсатиши керакки, у томошабин қалбини жунбушга келтира олсин. Агар режиссор пьесани ўқиб, унинг ғоясини айтиб беролмас экан, у буни тушуниб етмагунича саҳна асарининг яхлит спектаклга айланиши гумон бўлиб қолади. Мавзу деярли ҳар доим аниқ бўлади, ғоя эса бадиийлик замирига чуқур яширинган бўлади. Уни хулоса ва умумлашма, дейиш ҳам ўринлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Матлуба Темур қизи. // Саҳна ҳиёнатни кечирмайди. // Театр. 2008, 4-сон.
2. Станиславский К. Актёрнинг ўз устида ишлаши. -Т.: Янги аср авлоди, 2010.
3. Покровский П. Опера режиссураси ҳақида. ВТО, -М.: 1973.
4. Кристи Г. К.С.Станиславскийнинг опера театрдаги иши. Искусство. -М.: 1967
5. Маҳмудова Ҳ.А. Саҳнавий асарнинг хатти-ҳаракат таҳлили. -Т.: Фан ва технология, 2015.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада театр санъатида режиссор, драматург, бастакор ҳамда актёрнинг ҳамкорлиги, санъат ва маданият соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва санъат ва маданиятга берилаётган эътибор ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о сотрудничестве режиссера, драматурга, композитора и актера в театральном искусстве, реформах в области искусства и культури, а также внимании, уделяемом искусству и культуре.

SUMMARY. This article talks about the cooperation of the director, dramatist, composer and actor in the art of theater, the reforms in the field of art and culture, and the attention paid to art and culture.